

## FACTORS FOR PROVIDING SOCIAL PROTECTION AND INTELLECTUAL ACTIVITY OF STUDENT WOMEN IN HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS

Tursunova Dilnavoz Tolqin qizi

Lecturer at the Department of Preschool Education, Fergana State University

**Abstract:** The article analyzes the need to increase the social protection and intellectual activity of students, especially female students, in ensuring the development of society, and in this process the innovative factors of effective use of the opportunities of the subjects of the education system.

**Keywords:** Society, development, students, women, activism, social activism, education, innovation, facto

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБА ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ

Турсунова Дилнавоз Тўлқин қизи

Фарғона давлат университети Мактабгача таълим кафедраси ўқитувчиси

**Аннотация:** Мақолада жамият тараққиётини таъминлашда талабалар, хусусан талаба хотин-қизлар ижтимоий ҳимояси ва интеллектуал фаоллигини ошириш зарурати ва мазкур жараёнда таълим-тарбия тизими субъектлари имкониятларидан самарали фойдаланишнинг инновацион омиллари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** жамият, тараққиёти, талаба, хотин-қизлар, фаоллик, ижтимоий фаоллик, таълим, инновация, омил.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари» деб номланган тўртинчи йўналиш кўзда тутилган. Ушбу йўналишда «...фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг саломатлигини сақлаш, ... аҳолининг муҳтож қатламларига кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам сифатини ошириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги мақомини ошириш, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш»<sup>1</sup> чоратадбирларини амалга ошириш назарда тутилган. Ушбу масала доирасида мамлакатимизда ўтган тўрт йил мобайнида узлуксиз тарзда амалга оширилаётган чуқур ислохотлар бунинг ёрқин далилидир.

Мамлакатимизда хотин-қизларни оғир ижтимоий аҳволдан чиқариш борасида қабул қилинган қонунлар, Президент фармонлари, қарорлари, ҳукумат қарорлари уларни ижтимоий ҳимоя қилиш самарадорлигини оширишнинг ҳуқуқий асоси, ҳал қилувчи замини бўлди. Энг асосийси, бугунги кунда ушбу ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалиётдаги ижобий натижалари, хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишдаги муҳим аҳамияти реал ҳаётда намоён бўлмоқда.

Айниқса, олий таълим муассасалари талаба қизларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлашда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус доирасида ҳозирги кунда амалга оширилаётган, шунингдек, истиқболда бажарилиши лозим бўлган долзарб вазифалар ҳам муҳим рол ўйнайди. Хусусан,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.-Тошкент, “Адолат”,2018. Б.22-23.

- фаол талаба қизлар орасидан лидер қизлар гуруҳини шакллантириш;
- иқтидорли, истеъдодли қизлар илм билан янада кенгроқ ва чуқурроқ шуғулланиши учун шароит ва имкониятлар яратиб бериш, улар турмушидаги муаммоларини бартараф этишга кўмак бериш;
- илмий даражали ва илмий унвонли аёлларни кўпайтириш учун уларга шароит яратиш;
- илмий изланиш олиб бораётган қизларимизнинг илмий тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этишга кўмаклашиш.
- масофали таълимни кучайтириш;
- меҳнат бозори ва таълим муносабатларида талаб ва таклиф мутаносиблигини таъминлаш;
- қизларни замонавий касбларга қизиқишини ошириш ва тайёрлаб бориш;
- олий таълимдан кейинги босқичда ўқиш учун қизларни кенг жалб қилиш;
- ётоқхоналар билан ишлаш бўйича гуруҳлар ташкил этиш;
- ётоқхоналар атрофидаги биноларни ўрганиш;
- ҳудуд жиҳатдан ётоқхоналар зич жойлашган туман ёки шаҳарларда "Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази"нинг филиалларини ташкил қилиш (масалан Тошкент шаҳридаги Талабалар шаҳарчасида);
- тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган талабаларни аниқлаш ва тадбиркорликка жалб этиш;
- "Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази"даги қисқа ўқув-курсларида ўқитиш ва имтиёзли кредит олишга йўналтириш;
- ишлаш истагида бўлган талаба хотин-қизларни касб-ҳунарга ўргатиш бўйича ўқув-курсларини ташкил этиш;
- талаба қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида ётоқхоналар атрофида тикув, қандолатчилик цехлари, гўзаллик салони, фитнес клуб, хизмат кўрсатиш турларининг (химчистка, ателье) бошқа йўналишларини ташкил этиш;
- талабаларни "Устоз-шогирд" анъаналари асосида ҳунармандчиликка ўргатиш орқали бандлигини таъминлаш;
- ётоқхоналарда яшовчи талабалар учун касбга йўналтирувчи тўғарақлар ташкил қилиш;
- олий таълим муассасаси талабалари учун меҳнат ярмаркаларини мунтазам ташкил этиш;
- талаба қизларни оилага ва мустақил ҳаётга тайёрлаш ҳамда уларни ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган консултатив-курслар ташкил қилиш.

**Иккинчи йўналиш** – таълим муассасаларида таълим олаётган қизлар билан ишлашдан иборат бўлиб, ушбу йўналиш қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

а) жойларда Ота-оналар университетлари фаолиятини кучайтириш орқали, таълим муассасаси–оила–маҳалла ҳамкорлигини ташкил этиш, бунда, маҳаллалардаги хотин-қизлар билан ишлаш бўйича мутахассислар фаоллигини ошириш;

б) "Қизларжон" клублари орқали таълим муассасаларидаги ўқувчи қизларнинг фаоллигини ошириш ва уларни турли хил тўғарақларга жалб этган ҳолда бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш;

в) ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, бунда, уларнинг турмуш қуришдаги ҳақ-ҳуқуқлари, никоҳ шартномаси, эр-хотин ўртасидаги ва бошқа оилавий муносабат тўғрисида кўникмаларини шакллантириш;

г) тегишли дарс соатларида ёшларни ҳаётга тайёрлаш, бунда, ҳаётий билими, касб эгаллаши, оилага тайёрлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратиш;

д) таълим муассасаларида психологлар хизматини сифатли ташкил этиш, бунда, кадрларга эътибор қаратиш, психологик тестлар ўтказиш.

Маълумот учун шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларида, улардаги ўқувчилар сонидан келиб чиқиб, 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб:

250 нафаргача – 1 та штат;

250 нафардан 800 нафаргача – 1,5 та штат;

800 нафардан 1600 нафаргача – 2 та штат;



1600 нафардан 3000 нафаргача – 2,5 та штат;

3000 нафар ва ундан ортиқ – 3 та штат бирлигида психолог штати жорий этилди.

Бугунги кунда асосан ёшлар томонидан содир этилаётган салбий ҳолатларнинг оқибати билан ишлаб қолинаётганлиги, ёшлар билан ишлаш, уларни ҳаётга тайёрлаш бўйича тизимли ишлар етарли даражада ташкил қилинмаганлиги ечимини кутаётган долзарб муаммолардан биридир.

Мамлакатимизда бола туғилишидан то оилавий муносабатга киришишгача бўлган даврда уларнинг таълим-тарбияси билан ишлайдиган мустаҳкам тизим яратилган. Яъни, тиббиёт ходимлари бола туғилганидан унинг соғлиги борасида қайғурса, боғча, мактаб, коллеж, олий таълим муассасалари маҳалла билан бирга, уларнинг билим ва тарбия олишига ҳамда касб эгаллашига кўмаклашади. Лекин, ёшларни ҳаётга тайёрлаш бўйича яратилган ушбу тизим билан жамоатчилик ташкилотлари ўртасида узвий ҳамкорлик, ягона ёндашув тизимининг йўқлиги муаммонинг асосий илдизини ташкил этади.

Шу сабабли, мазкур йўналишда, биринчи навбатда, ёшларни ҳаётга тайёрлаш бўйича ягона Концепцияни ишлаб чиқиб, амалиётга жорий қилиш энг асосий долзарб вазифалардан бири бўлса, оилаларни мустаҳкамлаш, оилавий кадриятларни сақдаш ва оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш борасида ҳам манзилли ишларни ташкил этиш, ажрим ёқасига келиб қолган ёш оилаларни аниқлаб олиш ва уларнинг муаммоларини кенг жамоатчилик вакиллари жалб этган ҳолда ҳал қилиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, ФХДЁ органларига турмуш қуриш учун ариза берган ёшларни оилавий муносабатларга тайёрлаш борасида қисқа ўқувлар ташкил этиш, шунингдек таълим вазирликлари билан ҳамкорликда ёшларни ҳаётга тайёрлаш ишларини ташкил этиш, Соғлиқни сақдаш вазирлиги билан ҳамкорликда никоҳдан ўтувчи ёшларни тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказилишини таъминлаш ва хотин-қизлар ўртасида репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, скрининг текширувларининг афзалликларини тарғиб қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш зарур.

Бундан ташқари, таълим муассасаларида таълим ва тарбия уйғунлигини таъминлаш, ёшлар билан ишлаш, уларни ҳаётга тайёрлаш бўйича тизимли ишларни ташкил қилиш зарур. Авваламбор, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини, ёшларнинг ижодий салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини таълим муассасаларида кенг тарғиб этиш лозим. Шунингдек, таълим муассасаларида «Қизларжон» клублари фаолиятини ташкил этиш орқали қизларни ахлоқий ва эстетик маданиятини, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни касб-хунарга йўналтириш, шунингдек, оила ва никоҳ, репродуктив саломатлик масалалари бўйича тўғарақларга кенг жалб этиш, республикамиздаги иқтидорли, фаол ва ташаббускор хотин-қизларни ҳамда Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаларини мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаоллигини ошириш ва уларни таълим муассасаларида ижтимоий-маънавий муҳитни мустаҳкамлаш борасидаги тарғибот-ташвиқот ишларига кенг жалб этиш ушбу соҳада яхши самара берувчи омиллардандир.

Таълим муассасаларидаги иқтидорли қизларнинг ижодий салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш, улар томонидан яратилган интеллектуал лойиҳаларни тарғиб этиш ишларига кўмаклашиш, ўқувчиларнинг билим олишга, китоб мутолаа қилишга бўлган қизиқишларини ривожлантириш, муомала ва нутқ маданиятини шакллантириш, шунингдек, таълим муассасаларидаги давомат бўйича юзага келаётган муаммоларни бартараф этилишида “Тенгдош тенгдошга ўрناк” шиори остида намунали ўқувчилар фаолиятини тарғиб қилиш ёш қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда амалий аҳамиятга эга бўлади.

Таълим муассасаларида таълим ва тарбия уйғунлиги, ёшларнинг иқтидори ва истъедодини тўлақонли намоён қилишга қаратилган маданий-маърифий тадбирларни, анжуман ва кўرғазмаларни тизимли ташкил этиш, ёшлар орасида маънавий-маърифий фаолиятга доир янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш, ОАВда ёшлар қизиқишларидан келиб чиқиб, янгича кўрсатувлар, эшиттиришлар ва рубрикаларни ташкил этиш ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларда хотин-қизлар фаол иштирокини таъминлашнинг асосий омиллари бўлиб ҳисобланади

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида олий таълим ва илм-фан тизимини, жумладан олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича кенг миқёсдаги дастурий тадбирлар амалга оширилди ва бу борада хотин-қизлар илмий-интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада, 2013 йилгача хотин-қизлардан фан номзодлари 7800 нафарни, фан докторлари 514 нафарни ва академик аёллар 6 нафарни ташкил этган бўлса, 2013-2018 йилларда яна 278 нафар хотин-қизлар фан доктори (DSc), 417 нафар хотин-қизлар фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларига эга бўлдилар, 3 нафар хотин-қизларимизга академик илмий унвони берилди<sup>2</sup>.

Ҳозирги кунда юртимиз хотин-қизларидан 1 нафар Олий мажлис Сенати раиси, 1 нафар вазир ва 1 нафар вазир ўринбосари, мамлакатимизнинг жорижий мамлакатдаги 1 нафар элчиси фаолият юритмоқда.

Давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1388 нафар хотин-қизлар раҳбарлик лавозимларида ишламоқдалар.

Хусусан, 45 нафари – вазирлик ва идораларда;

39 нафари – Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, Олий мажлис Сенати, Қонунчилик палатаси, Вазирлар Маҳкамасида;

22 нафари – жамоат ташкилотларида;

207 нафари – маҳаллий ҳокимликларда;

1075 нафари – халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари таркибида;

1208 нафари – суд-ҳуқуқ тизимида фаолият кўрсатмоқда.

Соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя ва спорт соҳасида 82,6 %, фан, таълим, санъат ва маданият соҳаларида 72,1 %, қишлоқ хўжалиги соҳасида 45,5 %, саноатда 38,5 %, қурилиш соҳасида 8 % хотин-қизлар улушига тўғри келади.

Турли даражадаги мукофот совриндорлари бўлган хотин-қизлар сони 2183 нафарга етди.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг сони эса 311 нафарга етди. Уларнинг 10 нафари ҳокимият тизимида, 28 нафари турли вазирлик ва идораларда, 60 нафари таълим соҳасида ўз фаолиятини олиб бормоқда<sup>3</sup>.

Республикаимизда илмли хотин-қизлар сафини кенгайтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг олиб бораётган тадқиқотлари натижаларини халқаро даражага олиб чиқиш бўйича Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳам мақсадли ишларни амалга оширмоқда. Хотин-қизлар қўмитаси бошқаруви аъзоларининг қўмита фаолиятида фаол иштирок этишларини таъминлаш мақсадида тегишли йўналишлардан келиб чиққан ҳолда 6 та уюшма фаол иш олиб бормоқда (*“Фахрий аёллар”*, *“Ижодкор аёллар”*, *“Аёл ва саломатлик”*, *“Ҳуқуқишунос аёллар”*, *“Илм-фан ва аёл”*, *“Ихтирочилар аёллари”*, *“Қизларжон клуби”*).

2016 йилда Хотин-қизлар қўмитасининг Инновация бўлими қошида ташкил этилган “Ихтирочилар аёллари” уюшмаси билан Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандумлари имзоланган бўлиб, яқин ҳамкорликда иш олиб борилди.

Шунингдек, 2017 йилда “Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси” I, 2018 йилда “Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси” II Республика танлови ўтказилиб, ғолибаларнинг ихтиролари амалиётга татбиқ этилди ва тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан микрокредитлар билан таъминланди<sup>4</sup>.

2018 йил 28 июнь – 3 июл кунлари мамлакатимизнинг олима аёллари Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан илк мартаба Корея Ихтирочилар аёллари Ассоциацияси (KWIA), Корея Интеллектуал Мулк Офиси (KIPO) ва Халқаро Интеллектуал Мулк ташкилоти (WIPO) томонидан Жанубий Кореяда XI Корея Халқаро Ихтирочилар аёллари кўргазмаси – KIWIЕ 2018 да иштирок этиш учун юборилди. Ушбу конференцияда иштирок этган ихтирочиларимиз 1 та олтин, 3 та кумуш ва 1 та бронза медали билан

<sup>2</sup> 4. <http://hdr.undp.org/sites/default/files/Country-Profiles/UZB.pdf>

<sup>3</sup> <http://www.moqqv.uz/oz/news/Zulfiya-nomidagi-davlat/43>

<sup>4</sup> <http://tkti.uz/ru/site/search?q=1&page=21>



тақирландилар ҳамда ихтиролари учун 4 та патентни қўлга киритиб қайтдилар. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Корея Ихтирочи аёллар Ассоциацияси билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2020 йил январь ойида парламентга қилган Мурожаатномасида «Жамият – ислохотлар ташаббускори» деган янги ғоянинг кундалик фаолиятимизга тобора чуқур кириб бораётганини эътироф этиб, халқимиз маълум маънода ўз келажагини яратишда ўзи етакчи ва ташаббускор бўлаётганлигини узоқ йиллардан буён ислохотларни ижросисини, кузатувчиси сифатида, биз аллақачон илм-маърифатга кучли эътибор қаратиш даражасига келиб қолганлигимизни, эътироф этди<sup>5</sup>.

Зеро, илм-маърифатсиз кучайган иқтисодиёт эмас, бизга илм-маърифат билан уйғун ривожланган иқтисодиёт керак. Шу боис ҳам 2020 йил “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилинди.

Президент Мурожаатномасида грант асосида олий таълим олишда қизлар учун алоҳида қўшимча имтиёзлар берилишини, бу борада номзодлар тайёрлаш тизими яратилиши лозимлигини, Зулфия мукофоти олганларга олий таълимга киришга берилган имтиёзлар қаторида, қизларимизга олий таълим муассасига ўқишга кириш учун яна бир имтиёз берилганлиги хотин-қизларни ижтимоий ҳимояси борасида муҳим аҳамиятга эгаллиги таъкидланган эди.

2019 йил статистик маълумотларига кўра, олий таълим соҳасида ҳам хотин-қизлар сони ошган ва талабаларнинг **40%** хотин-қизлар бўлган, бу 2011 йилдаги кўрсаткичдан **36%** кўп демакдир. Хотин-қизларнинг саводхонлик даражаси эса **99,98%**ни, яъни дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бирини ташкил этади. Шунга қарамай, маълумотларга кўра айни вақтда ўрта таълим олган хотин-қизларнинг фақат **35%** ишлайди, олий маълумотли хотин-қизларнинг эса **68%** иш билан таъминланган.

Маълумки, олий таълим олиш имкониятларининг кенгайтирилиши аёллар орасида иш билан таъминланганлик даражасини оширишда муҳим омил. Шунингдек, биз сиёсат ва ҳукуматда ҳам аёллар сонини оширишга чақиришдан тўхтамаслигимиз керак, чунки аёлларнинг олий маълумот олишининг ўзи етарли эмас, аёл қизгин жараёнларда фаол бўлиб намуна кўрсатса мамлакат қизларининг таълим олишга интилиши кучаяверади.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида хотин-қизларнинг таълимига қаратилган эътибор ҳам жуда муҳим.

“Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали 2018 йили тўрт турдаги таълим дастури бўйича **375** йигит-қиз хорижий олий ўқув юртига ўқишга юборилган бўлса, 2019 йилда таҳсил олувчилар сони **605** кишига етган. Жамғарманинг 2020 йил учун мўлжалланган таълим дастурида **1000 нафар** талабани қамраб олиш белгиланган.

Қизларнинг профессионал фаолият соҳасини танлашини таҳлил қилиш, аниқланган муаммоларни бартараф этиш, аёлларнинг, айниқса ёш қизларнинг қобилиятларини рўёбга чиқариш учун улар қизиқшининг турли йўналишлари бўйича ассоциациялар ташкил этиш, қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишига монелик қиладиган ақидаларни бартараф этишга хизмат қилади.

Қизлар таълими борасида берилаётган юксак эътибор Президентимиз Мурожаатномасидаги фикрлари халқимизнинг “Бир ўғилни яхши тарбияласангиз, бир инсонни, бир қизни яхши тарбияласангиз, бир миллатни яхши тарбиялаган бўласиз”, – деган ҳаётий ҳақиқатининг намойиши бўлди.

Таҳлилларимиздан чиқадиган хулоса шуки, Ўзбекистонда хотин-қизларни ижтимоий-маънавий қўллаб-қувватлаш, таълим ва тарбия уйғунлиги – хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилишининг асосий омиллари дейиш мумкин.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси// Халқ сўзи. 2020 йил 30 декабрь.

**Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.-Тошкент, “Адолат”,2018. Б.22-23.
2. <http://hdr.undp.org/sites/default/files/Country-Profiles/UZB.pdf>
3. <http://www.moqqv.uz/oz/news/Zulfiya-nomidagi-davlat/43>
4. <http://tkti.uz/ru/site/search?q=1&page=21>
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси// Халқ сўзи. 2020 йил 30 декабрь.